XALQ DEPUTATLARI ANDIJON VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko`chasi 239-uy

2022 - yil 3 - fevral VI-32-14-1-0-K/22 Andijon viloyati hokimligi

Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 6 январь кунги VI-30-1-1-0-К/22-сонли қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429- ва 437-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармонига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-ХДФУ рақамли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 январдаги 06/04-02-02-32/203-ХДФУ рақамли хатида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига коэффициентларни қўллаш юзасидан тавсиялари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилояти ҳудудида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар миқдорлари юридик шахслар учун 1-иловага ҳамда жисмоний шахслар учун 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва

оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 6 январь кунги VI-30-1-1-0-К/22-сонли қарорининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар” миқдорларини қўллаш юзасидан вилоят ҳокимлиги, вилоят молия бош бошқармаси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармасининг таклифлари маъқулансин.

4. Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг “Андижон вилояти бўйича қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 6 январь кунги VI-30-1-1-0-К/22-сонли қарорининг 3-банди иккинчи ва учинчи хатбошилари ҳамда қарорга биринчи ва иккинчи иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун жисмоний ва юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар қўллаш бўйича илгари қабул қилинган қарорларини мазкур қарордан келиб чиқиб, ўзгартиришлар киритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Бунда, Солиқ кодексининг 430, 438-моддаларига кўра, юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ даври календарь йил эканлигидан келиб чиқиб, солиқларни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мазкур қарорнинг 1, 2-иловалари билан тасдиқланган солиқ ставкалари 2022 йил 1 январдан амал қилади.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ш.Қ.Абдураҳманов**

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2022 йил 3 февралдаги
VI-32-14-1-0-K/22-сон қарорига
1-илова

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

№	Шаҳарлар ва туманлар номи	Солиқ кодексида белгиланган 1 гектар учун базавий солиқ ставкаси (минг сўмда)	Коэффициент миқдори	2022 йил учун 1 гектар учун солиқ ставкаси (минг сўмда)
1	Андижон шаҳар	35 000,0	1,03	36 050,0
2	Хонобод шаҳар	35 000,0	0,80	28 000,0
3	Олтинкўл тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
4	Андижон тумани	35 000,0	0,73	25 550,0
5	Балиқчи тумани	35 000,0	0,63	22 050,0
6	Бўстон тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
7	Булоқбоши тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
8	Жалақудуқ тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
9	Избоскан тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
10	Улуғнор тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
11	Қўрғонтепа тумани	35 000,0	0,73	25 550,0
12	Асака тумани	35 000,0	0,75	26 250,0
13	Марҳамат тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
14	Шаҳрихон тумани	35 000,0	0,74	25 900,0
15	Пахтаобод тумани	35 000,0	0,62	21 700,0
16	Хўжаобод тумани	35 000,0	0,68	23 800,0

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2022 йил 3 февралдаги
VI-32-14-1-0-K/22-сон қарорига
2-илова

Жисмоний шахслар бўйича (бундан деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкалари мустасно) мутлоқ миқдорда 1 кв. метр учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентлар

№	Шаҳарлар ва туманлар номи	Солиқ кодексида белгиланган 1 кв. м учун базавий солиқ ставкаси (сўмда)	Коэффициент миқдори	2022 йил учун 1 кв. м учун солиқ ставкаси (сўмда)
1	Андижон шаҳар	320,0	1,03	329,6
2	Хонобод шаҳар	320,0	0,72	230,4
3	Олтинкўл тумани	320,0	0,62	198,4
4	Андижон тумани	320,0	0,72	230,4
5	Балиқчи тумани	320,0	0,63	201,6
6	Бўстон тумани	320,0	0,62	198,4
7	Булоқбоши тумани	320,0	0,62	198,4
8	Жалақудуқ тумани	320,0	0,62	198,4
9	Избоскан тумани	320,0	0,62	198,4
10	Улуғнор тумани	320,0	0,62	198,4
11	Қўрғонтепа тумани	320,0	0,73	233,6
12	Асака тумани	320,0	0,73	233,6
13	Марҳамат тумани	320,0	0,63	201,6
14	Шаҳрихон тумани	320,0	0,73	233,6
15	Пахтаобод тумани	320,0	0,62	198,4
16	Хўжаобод тумани	320,0	0,63	201,6

Изох: Шаҳарлар ва туманлар Кенгашлари томонидан юридик шахслар учун ер солиғи ставкасини маҳалла фуқаролар йиғинлари кесимида туман (шаҳар) марказлари узоқ-яқинлигига қараб, 0,7-3,0 камайтирувчи ва кўпайтирувчи коэффицентларни белгилаш ҳуқуқига эга.